

АБДУЛЬМЯНОВА ЛИЛИЯ ИЛЬЯСОВНА

ЎЗБЕКИСТОН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИ
ЭНДОФИТ ЗАМБУРУҒЛАРНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА
БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ

03.00.04. – микробиология ва вирусология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Ташкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Абдульмянова Лилия Ильясовна

Ўзбекистон доривор ўсимликлари эндофит замбуруғларнинг
хилма-хиллиги ва биологик фаоллиги.....3

Абдульмянова Лилия Ильясовна

Разнообразие и биологическая активность эндофитных грибов
лекарственных растений Узбекистана.....29

Abdulmyanova Liliya

Diversity and biological activity of endophytic fungi
of medicinal plants of Uzbekistan.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....59

АБДУЛЬМЯНОВА ЛИЛИЯ ИЛЬЯСОВНА

ЎЗБЕКИСТОН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИ
ЭНДОФИТ ЗАМБУРУҒЛАРНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА
БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ

03.00.04. – микробиология ва вирусология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Ташкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияда В2017.2.DSc/B48 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Микробиология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме). Илмий кенгаш веб-саҳифаси (microbio@academy.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Гулямова Тошхон Гафуровна, биология фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Исмаилов Зафар Файзуллаевич, биология фанлар доктори, профессор Нуралиев Неккадам Абдуллаевич тиббиёт фанлар доктори, профессор Мячина Ольга Владимировна, биология фанлар доктори
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация ҳимояси Микробиология институти DSc.02/30.12.2019.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» декабрь соат 10:00даги мажлисида бўлади (Манзил: 100128, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7Б уй, Микробиология институти конференция залида). Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: microbio@academy.uz.

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. () рақамли билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7Б уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават, кутубхона). Тел.: (+99871)241-92-28.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кунлари тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ рақамли реестр баённомаси).


Арипов Тахир Фатихович
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси
б.ф.д., профессор, академик
Жураева Роҳила Назаровна
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, катта илмий ходим, б.ф.н.
Ахмедова Захро Раҳматовна
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раис ўринбосари, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда атроф-муҳитга минимал таъсир кўрсатувчи янги юқори самарали табиий биологик фаол моддаларни излашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЖССТ тахминига кўра ҳар йили 70 миллион ўлимнинг 30% патогенларнинг дори воситаларига чидамлиги ошиши билан боғлиқ, спонтан ёки кўзғатилган мутацияга учраш натижасида келиб чиқади. Янги касалликлардан нафас олиш синдромлари: SARS, MERS, COVID-19 вирусларидан ҳалок бўлаётган инсонлар популяциясининг кўпайиши ҳамда иммун тизимининг заифлашуви билан боғлиқ касалликларнинг оқибатлари янги дори-дармонларни ишлаб чиқаришни талаб этмоқда. Диабет ва семизлик, сурункали юрак-қон томир ва асаб-дегенератив касалликларни даволашда ҳам янги самарали дорилар муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ўсимликлар асосидаги табиий маҳсулотлар потенциали дори-воситаларини кашф этиш учун муҳим манба бўлиб қолмоқда. Бироқ, ўсимликлардан турли фаол моддаларни экстракция қилиш бир қатор ноқулайликларни келтиради, бу мавсумий бўлиши ва иқлим шароитларига боғлиқлиги экологик муаммоларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, юқори қийматли биоактив маҳсулотларнинг битмас-тугамас, арзон ва қайта тикланадиган ресурсларини ишлаб чиқиш учун микроорганизмлардан яъни эндофитлардан фойдаланган ҳолда биотехнологик ёндашувлар алтернатив ҳисобланади. Жумладан, эндофитлар - ҳайратланарли хилма-хил, лекин кам ўрганилган ўсимлик микробиомнинг қисмини ташкил этади, улар эндосферада яшайдиган ва касаллик белгиларини келтирмайдиган, ўзларининг хос ўсимлик-хўжайинлари билан сезилмас алоқада бўлиб, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини яхшилашда илмий аҳамиятга эга. Эндофит микробиоми бирикмалар, ўсимликка аналогик ёки ўхшаш моддалар янги номаълум доривор воситалар манбаи сифатида потенциалга эга биофаол ишлаб чиқариш қобилиятига эга ҳисобланади. Шунга кўра, эндофитлар биохилма-хиллигининг бой захираси ва биофаол бирикмаларнинг муқобил манбаи бўлганлиги сабабли уларни ўрганиш фундаментал ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Республикамызда ички бозорни импорт ўрнини босувчи, юқори сифатли ва самарали дори воситалари билан таъминлаш мақсадида маҳаллий микроорганизм штаммлар асосида ишлаб чиқарилаётган илмий ишланмаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, фаол эндофит замбуруғларнинг иккиламчи метоболитларини аниқлаш ва уларнинг илмий ва амалий аҳамиятини баҳолаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “...дори воситаларини ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни янада жорий этиш бўйича илмий тадқиқотларни ташкил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

этиш ва ички бозорни тўйинтириш ва дори воситаларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш” вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларини амалга оширишда, жумладан, Ўзбекистон ҳудуди ўсимликларида яшовчи эндофитлардан терапевтик препаратлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун уларни ажратиб олиш ва биоактив хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, маҳаллий ўсимликлар эндофитларининг хилма-хиллиги ва биопотенциали Республикамизда илгари ўрганилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон “2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон “Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи². Турли экотизимларнинг ўсимликлари эндофит микробиотасини биологик фаоллигини аниқлаш, аксеник ўстириш учун шароитларини оптималлаштириш, иккиламчи метаболитларни экстракциялаш ва тозалаш усуллари, индивидуал бирикмаларни ажратиш ва уларнинг тузилишини аниқлаш бўйича тадқиқотлар етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасалари, жумладан, АҚШ Университетлари; University of Guelph (Канада); Technical Universities Dresden (Германия); Swedish University of Agricultural Sciences (Швеция); Institute of Biotechnology Science, (Жанубий Корея); Chinese Academy of Medical Sciences (Хитой); AMITY (Ҳиндистон); Mansoura University (Миср); The Jacob Blaustein Institute (Исроил); Янги Жанубий Уэльс Университети (Австралия); Universiti Kebangsaan (Малайзия); М.В.Ломоносов номидаги МДУ, Г.К.Скрябин номидаги микроорганизмларнинг биокимёси ва физиологияси Институти; С.Н.Виноградов номидаги Микробиология институтларда (Россия) олиб борилмоқда.

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.omicsonline.org/microbiology-journals.php>; <http://journal.sapub.org>; <https://www.mdpi.com>; <https://www.sciencepublishinggroup.com>; <https://publons.com>; <https://www.jmbfs.org>; <https://ores.su/ru/journals>; <https://www.journals.elsevier.com> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, кам учрайдиган доривор ва эндемик ўсимликларнинг эндофитларига алоҳида эътибор қаратилмоқда чунки эндофитлар коэволюция жараёнида хўжайин ўсимликлар билан боғлиқ бўлган биокимёвий хусусиятларини намоён этади. Эндофитларнинг янги ва камёб турлари учраб туриши турларнинг хилма-хиллигини сақлаб қолишида муҳим аҳамиятга эга.

Эндофит замбуруғларининг хилма хиллиги ҳамда иккиламчи метаболитларини биофаоллик хусусиятларини аниқлаш усуллари бўйича қатор, жумладан қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: эндофитларда микробларга қарши фаоллиги (Institute of Medicinal Plant Development, Хитой), саратонга қарши (University of Sydney, Австралия, Jagiellonian University, Польша) антикоагулянт (University of Chittagong, Бангладеш), антиоксидант (Mangalore University, Ҳиндистон), диабетга қарши (Centre for Research in Nanotechnology, Ҳиндистон; Shahid Beheshti University of Medical Sciences, Эрон) ва ўсишни рағбатлантирувчи (Shanxi University, Хитой) хусусиятларга эга иккиламчи метаболитлар аниқланган. Уларнинг сифат таркиби турли структуравий гуруҳлардаги бирикмаларни ўз ичига олади: терпеноидлар, стероидлар, ксантонлар, хинонлар, феноллар, изокумаринлар, бензопиранонлар, тетралонлар, цитохалазинлар, турли синфларга кирувчи антибиотик моддалар, фунгицидлар, ферментлар, пигментлар. Эндофитларнинг тизимли ва органли тарқалиши, уларнинг хўжайин ўсимликлар билан ўзаро муносабатини аниқлашга кенг эътибор қаратилмоқда (University of Arizona, АҚШ, University of Cordoba, Испания, University of Western Australia, Kyungpook National University, Корея).

Дунё амалиётида ЭЗдан янги бирикмаларни ажратиб олиш ва идентификация қилиш борасида бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: метаболитларнинг тўпланишига таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш учун метаболик йўллари аниқлаш; қимматли иккиламчи метаболитларини ишлаб чиқаришнинг барқарор даражасини олишда жим бўлган генларни блокдан чиқаришнинг генетик стратегиясини ўрганиш; OSMAC стратегияси бўйича мувофиқ аксеник культура биопроцессларини оптималлаштириш ҳамда шу жумладан эндофитга *in planta* мухити билан таъминлайдиган биргаликда ўстиришни такомиллаштириш; ЭЗнинг хўжайин-ўсимлик билан ассоциацияланган ва янги иккиламчи метаболитларини олиш учун эндофитлар ва хўжайин-ўсимликларнинг билан экологик ўзаро таъсирини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур йўналишда эндофитлар биологияси, хусусан эндофит замбуруғлар (ЭЗ) микробиология фанининг нисбатан янги йўналиши бўлиб, сўнгги икки ўн йилдан буён жадал ривожланиб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу вақт мобайнида ўсимликларда ЭЗнинг хилма-хиллиги ва тарқалиш қонуниятларини аниқлаш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда, шунингдек, ЭЗ шубҳасиз

микологик ва кимёвий нуқтаи назардан ўрганилмаган ва янги хилма-хилликнинг кўплиги билан ифодаланиши билан изоҳланади.

Бундан ташқари, бир қатор муаллифлар томонидан ЭЗнинг антимикроб, антисаратон, антиоксидант, цитотоксик, гипогликемик, гипотензив фаолликка эга бўлган биологик иккиламчи метаболитларни ишлаб чиқариши аниқланган. Келгусида ЭЗ иккиламчи метаболитларнинг асосий манбаларидан бири бўлиши таъкидланган. Шунингдек, эндофитлар биологиясида ҳали ечилмаган муаммолар кўп. Улардан энг муҳими сунъий ўстириш шароитида иккиламчи метаболитлар ишлаб чиқаришини сақлаб қолиш масаласидир, эндофит уюшма ичида ва хўжайин ўсимликлар билан мултитроф ўзаро таъсирини ўрганиш ва фаол метаболитлар биосинтезининг метаболит йўллари аниқлаш зарурдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Республикамизда кескин континентал иқлим ўзгаришлари содир бўлиши эндофит популяциясининг тасаввур қилиб бўлмайдиган хилма-хиллигини белгилайди ва тахмин қиладиган энг бой флора мавжуд бўлсада, лекин ушбу йўналишда фундаментал тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу сабабли, халқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланилиши мумкин бўлган ЭЗни маҳаллий доривор ўсимликларидан ажратиб олиш, уларнинг хилма-хиллиги ва метаболитларининг биофаол хусусиятларини тадқиқ этиш нафақат фундаментал, балки кенг илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Микробиология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф5-Т218 “Ўзбекистон доривор ўсимликларининг эндофит микробиотаси” (2012-2016 йй.), ВА-ФА-А6-005 “Ўзбекистон баъзи доривор ўсимликлардаги эндофит замбуруғларни сунъий ўстиришда биофаол иккиламчи метаболитлари ҳосил қилиши шароитларини ишлаб чиқиш” (2017-2018 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Биоактив бирикмаларнинг янги потенциал манбаи сифатида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ўсадиган доривор ўсимликлар эндофит замбуруғларининг тарқалиши, хилма-хиллиги ва хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

турли хил биотоплар ўсимликларидан эндофит замбуруғларни ажратиш, идентификациялаш, хилма-хиллиги ва тарқалишини баҳолаш;

ажратиб олинган эндофит изолятлари метаболитлари биофаоллигининг турли типларини аниқлаш;

эндофит замбуруғларнинг иккиламчи метаболитларини ажратиш ва фракциялаш шароитларини оптималлаштириш;

биофаол метаболитларнинг фитокимёвий таркибини аниқлаш;

аксеник ўстириш шароитида ўсишни ва биоактив метаболитларини ишлаб чиқаришни регуляциялаш имкониятини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республикамизнинг турли биотопларидаги Ўзбекистоннинг доривор ўсимликларида яшовчи ЭЗ олинган.

Тадқиқотнинг предметини танлаб олинган ўсимликларнинг ЭЗнинг хилма-хиллиги, тизимли тарқалиши, аксеник ўстириш шароитида биоактив метаболитлар ишлаб чиқариши, турли биофаолликка эга бўлган метаболитларни аниқлаш, фундаментал ва амалий аҳамиятга эга бўлган ЭЗнинг коллекцион базасини яратиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда микробиологик, биотехнологик, биокимёвий, молекуляр-генетик ва янги фармакологик моддаларни преคลินิก тадқиқ қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор республиканинг турли ҳудудларида учрайдиган 28та ўсимлик мисолида ЭЗнинг бой хилма-хиллиги (200дан ортиқ штаммлар) шу жумладан, 20та авлод 45та турга мансублиги аниқланиб, ўсимликларда умумий ЭЗ изолятларининг 33% баргларда, 26% пояларда ва 21% илдизларда учраши кузатилган ҳолда эндофитлар тизимли яшаш муҳитининг ўзига хослиги илдизларда фузариум ва акремонийлар, пояларда аспергиллар ва пенициллиум, баргларда алтернарийлар устунлик қилиши тақсимланиши билан асосланган;

доминант авлодларга *Aspergillus*-32%, *Alternaria*-17%, *Penicillium*-14%, *Acremonium*-10%, *Fusarium* ва стерил мицелийли изолятлар-8% ташкил этган, ҳамда илк бор Ўзбекистонда аввал аниқланмаган 24та ноёб ЭЗ турлари Республикамизнинг барча ўрганилган туманларида ўсадиган 8та оилага мансуб бўлган 13та ўсимликларда аниқланган;

ЭЗ 30% шартли-патоген тест-культураларига: *E.coli*, *S.aureus*, *P.aeruginosa*, *B.subtilis* ва *C.albicans*га нисбатан антибактериал фаолликка эгалиги ва *M.officinalis*, *A.filidens*, *C.cristata*, *H.tuberosus*, *P.Harmal*адан ажратилган 6та ЭЗ бир вақтнинг ўзида 3та тест-культураларга нисбатан антибактериал фаоллиги, ҳамда *T.microspora*-MO46Lнинг биофаол метаболитлари таркибида терпен ва сапонинлар аниқланган;

Vinca ва *Allium* авлодларига мансуб бўлган ўсимликларнинг 34та ЭЗ метаболитларининг бачадон бўйинчаси (HeLa), ҳикилдоқ (HEp-2) ва кўкрак беши (HBL-100) карциномасига нисбатан цитотоксик фаоллиги аниқланган ҳамда бўригулнинг 9та ЭЗлар фаоллиги саратонга қарши «Cisplatin» препаратининг таъсир даражасида бўлиши кузатилган. *Alternaria sp.*-VM84L, *P.concavoradulozum* -VE89L, *A.terreus* - VE90R, *C.cladosporoides* - VE92L, *A.amstelodami*-VR177Lнинг саратонга қарши фаоллик хусусиятлари винкрестин ва винбластин ишлаб чиқариши асосланган;

райхон, ялпиз ва заъфаронлар каби чўл зонасида ўсадиган ўсимликларидан инсон қонининг протромбин вақтини 300 сониядан кўпроқ оширадиган иккиламчи метаболитларни ишлаб чиқариши бўйича антикоагулянт хусусиятларга эга бўлган 4та ЭЗлар: *Acremonium sp.*-OB2S, *Alternaria sp.*-OB6L, *Acremonium sp.*-MP13R ва *Alternaria sp.*-CS53 танлаб олинган;

in vitro тизимида панкреатик α -амилаза фаолиятини 80%гача сусайтирадиган кунгабоқар, хўроз наштари ва филаментли пиёздан ЭЗ аниқланган. *A.egypticus-HT166S*, *P.brevicaule alba-CC200* ва *A.terreus-AF104S* экстрактлари акарбоза (30мг) нисбатан паст IC50 қиймати (20-25мг) билан фарқ қилиниб, *C.cristata* (Амарантлilar оиласи)дан ажратилган *P.brevicaule alba-CC200*нинг умумий экстрактларини клиник олди синовларида аллоксан-индуцирланган диабетли тажриба ҳайвонларида ўтказилганида самарали гипогликемик таъсирини намоён этгани аниқланган;

тўқ септирланган ЭЗ: *Alternaria sp.-FFL63*, *Ulocladium sp.-FFL64*, *S.minorum-VMR83*, *Alternaria sp.-HTL193*, *Cladosporium sp.-HT206*лар 20-30% меланин табиатли пигментлар тўпланиши аниқланган. *S.minorum - VMR83*да меланин ишлаб чиқараш 30%ни, шу билан бирга 30% липидлар (моно-, ди- ва триглицеридлар йиғиндиси)ни ҳосил қилиши аниқланган;

танлаб олинган ЭЗ ўстириш шароитларини оптималлаштириш натижасида антибактериал ва цитотоксик бирикмалар ишлаб чиқаришни регуляциялаш имконияти аниқланган ҳамда хўжайин-ўсимлик (*V.rosea*) хужайра ичидаги метаболитлари ва эпигенетик модификатори *P.concavoradulozum-VE89L* ва *A.amstelodami-VR177L* винка алкалоидлар даражасининг бир неча бор ўсишига ҳисса қўшиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда ўрганилган ўсимликлар эндофит микобиотасининг, жумладан камдан-кам ҳолларда ажратиб олинадиган, хилма-хиллигини ифодаловчи, ЭЗнинг коллекцион базаси тўпланган;

ишлаб чиқаридиган метаболитларнинг исботланган биоактив хусусиятлари билан (антибактериал, цитотоксик, гипогликемик, меланин синтезловчи) ЭЗ танлаб олинган;

аксеник ўстриши шароитида юқори антибактериал ва винка-алкалоид синтезлаш қобилиятига эга бўлган ЭЗни ўстириш бўйича тавсиялар асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги экспериментал маълумотларни замонавий микробиологик, биокимёвий ва физикавий усуллари орқали олинганлиги ва уларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларга Стюдент мезонлари ва Фишер дисперсион таҳлили (ANOVA) ёрдамида статистик ишлов берилганлиги, диссертация натижаларини юқори импакт-факторли етакчи хорижий журналларда, Scopus маълумотлар базасида чоп этилганлиги, ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор Ўзбекистонда эндофитлар биологиясининг ривожланишига замин яратганлиги билан ифодаланади. Турли ҳудудларда ўсадиган ўсимликларнинг ЭЗнинг тарқалиши ва хилма-хиллиги, тизимнинг ўзига хослиги, учраш частотаси ва ўсимликларни колонизациялаши ҳақидаги янги маълумотлар эндофит – ўсимлик – муҳит ўзаро муносабатларини кўрсатади, бу эса умуман турларни ва кимёвий

хилма-хилликни сақлаб қолиш учун муҳим аҳамиятга эга. Эндофитларнинг биоактив хусусиятлари ажратиб олинган ЭЗга ўзига хос бўлган биосинтетик йўлларнинг хилма-хиллиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти ЭЗдан ажратилган метаболитларнинг биологик фаоллик спектри ва кимёвий табиати ҳақидаги келтирилган маълумотлар табиий биоактив бирикмаларнинг муқобил манбаи сифатида эндофитлар асосида янги биотехнологияларни ишлаб чиқиши амалий аҳамиятга касб этади. Ажратиб олинган ЭЗлар - биоактив моддалар ишлаб чиқарувчи продуцентлар турли терапевтик қимматли маҳсулотларни ишлаб чиқишда объект бўлиб хизмат қилиши мумкин ва маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқариш соҳасида антибиотик, антисаратон ва антидиабетик дорилар рўйхатини кенгайтиришга ҳисса қўшиши билан хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ЭЗнинг биофаоллиги бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

гидролитик ферментлар продуценти *A.terreus Thom Uz CF-461* эндофит замбуруғи штамми учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро патенти олинган (№ IAP 06366, 2020). Натижада, фитопатогенларнинг хўжайра қобиғи ҳамда саноат ва ўсимлик чиқиндилари полисахаридларини гидролизлаш учун эндо, экзо-1,4-β-глюканаза, ксиланаза, авицелаза, хитиназа ва протеазалар гидролитик ферментлар комплексининг продуцентини намоён этиш имконини берган;

C.cristata, *A.filidens* ва *H.tuberosus* ўсимликларидан энг фаол *P.brevicaule alba*– *CC200*, *A.terreus* -*AF104S* ва *A.egypticus*-*HT166S* ажратиб олинган ЭЗ штаммларидан *ФА-А6-Т109* “Ўзбекистон доривор ўсимликларининг ЭЗ метаболитлари - α-амилаза ингибиторлари сифатида” амалий лойиҳасида α-амилаза ингибиторловчи иккиламчи метаболитларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 11 октябрь 4/1255-2773-сон маълумотномаси). Натижада, гипогликемик хусусиятларига эга бўлган препаратларини олиш технологияси бўйича лаборатория регламентини ишлаб чиқиш имконини берган.

Allium, *Celosia*, *Ferula*, *Helianthus* ва *Vinca* авлодларига мансуб бўлган ўсимликлардан ажратиб олинган ЭЗнинг хилма-хиллиги ва хусусиятлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида олинган маълумотлардан юқори импакт-факторли (IF) 8 та хорижий журналларда антибактериал, антиканцероген, антидиабет хусусиятларини аниқлаш ҳамда эпигенетик модификаторларни қўлланилишида фойдаланилган: *Agriculture* (2020); IF-2.072, ISSN2077-0472, (Scopus); *South African Journal of Botany* (2020), IF-2.29, ISSN 0254-6299, (Scopus), *Journal of Food and Nutrition Research* (2020), IF-1.308, (Scopus), *Industrial Crops and Products* 139 (2019) 111511, IF-4.191, ISSN0926-6690, (Scopus), *Journal Mycosphere*, 10(1):798-1079 (2019), IF-2.015, ISSN2077000, (Scopus), *Frontiers in Microbiology*, (2018), IF-4.235, (Scopus), *Microbial Biotechnology* (2017), IF-5.328, ISSN1751-7915, (Scopus), *Journal Acta Pharmaciae Indonesia*, (2018), 6 (1)12-19, ISSN 2337-8433, E-ISSN2621-4520 (Web of Science).

Натижада, ушбу мамлакатларда турли ўсимликлар ЭЗнинг янги биоактив хусусиятларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 7 таси республикада 8 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“ЭЗнинг хилма-хиллиги ва биофаол хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида ЭЗнинг илмий-тарихи ва тадқиқотлари ҳозирги ҳолатининг тахлили бўйича маълумот берилган, уларнинг тарқалиши, хилма-хиллиги, биологик потенциали, ҳамда ЭЗнинг ўсимлик-ҳўжайин билан ўзаро мунособати тўғрисида маълумотлар келтирилган, иккиламчи метаболитларни барқарор ишлаб чиқаришга эришиш мақсадида ЭЗни аксеник ўстириш имконияти кўрсатилган.

Диссертациянинг **“ЭЗни ажратиш олиш, ўстириш, идентификация қилиш ва сақлаш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида ЭЗ маҳаллий штампларини ажратиш олиш, идентификациялаш, сақлаш усуллари, уларни тубда ва юзада ўстириш усуллари тавсифланган; йиғма экстрактлар ва иккиламчи матеболитларининг алоҳида фракцияларини олиш келтирилган; антибактериал, цитотоксик, антикоагулянт, ингибиторлик, меланин, липид ва фитогормон синтезлаш фаолликларини аниқлаш, винка алкалоидларни аниқлаш учун ЮҚХ, ЮССХ усуллариининг сифат ва миқдорий усуллари тавсифланган, ҳамда экстрактлар таркибининг фитокимёвий таҳлил усуллари келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон доривор ўсимликлари – ЭЗнинг янги манбаи”** деб номланган учинчи бобида турли минтақа ва денгиз сатхига тааллуқли бўлган, иқлими билан фарқ қилувчи республикамизнинг 4 физик-

географик округларида ўсувчи доривор ўсимликлардан ЭЗ изолятларини ажратиш ва идентификация қилиш бўйича ўтказган тадқиқотларимиз келтирилган. Ўсимликлар академик Тожибаев Т.Ш. раҳбарлик қилган ЎзРФА Ўсимлик ва ҳайвонот генофондини сақлаш Институтининг ходимлари томонидан йиғиб олинган ва тақдим этилган.

ЭЗ ажратиб олиш учун биз модификацияланган усулдан фойдаланганмиз бунда ўсимлик қисмлари 1 дақиқа давомида оқар сув, кейинчалик 70% этанол, 1,5% ли гипохлорид натрийда ювилган, ундан кейин стерил сув билан чайилган ва стериллик назорати учун сув озуқа мухитига экилган. Ўсимликлар асептик шароитларда стерил скальпель билан 5 мм лик қалинликдаги бўлақларгача майдаланган ва бактериялар ўсишини олдини олиш учун антибиотик таркибли қуюқ озуқа мухитига ёйиб чиқилган.


Ҳаммаси бўлиб 28 ўсимликларнинг 1,9 минг ортиқ сегментлари тадқиқ этилган бўлиб тоза культурага 7-28 кун давомида тўқима намуналаридан агарнинг юзасида ўсиб чиққан эндофит замбуруғларнинг 208 изоляти ажратиб олинган.

Ўсимлик органларининг тизимли тарқалиши ва колонизация частотасини таҳлил қилиш натижасида *Lagochilus olga*, *Ferula sumbul* ва *Haloxylon persicum* ташқари барча ўрганилаётган ўсимликларнинг пояларида ЭЗ аниқланган. Эҳтимол, ўсимликнинг ўтказувчи тизими сифатида поя кесилган усулда ЭЗни ажратишнинг нисбатан қулай усули ҳисобланади.


ЭЗнинг энг катта миқдори (33%) ўрганилган ўсимликларнинг баргларида ажратиб олинган. Пояси ва томирларида мос равишда 26% ва 21% изолятлар олинган. Колонизация частотаси ($KЧ, \% = N/N_t * 100$) республикамизнинг чўл ва даштли ярим чўл худудларида ўсувчи ўсимлик гуруҳларида Ната ва хаммуаллифлар усули бўйича аниқланган (1 расм).

Эндофитларга нисбатан бой ўсимликлар бу дашт ўсимликларидир. Ўсимликларнинг барглари, поялари ва томирлари мос равишда 30%; 47% ва 68%да ЭЗ билан колонизацияланган. ЭЗ катта қисми ўсимликларнинг томирларида ажратилган бўлиб бу ҳолат ярим чўл ва чўл худуди ўсимликларидан фарқ қилади яъни уларда айнан томирлардан ажратиладиган ЭЗ миқдорининг кескин камайиши кузатилган. Сўзсиз, буни чўл ва ярим чўл худуди тупроқларининг озуқавий моддалар ва намлик миқдорининг камлиги билан тушунтириш мумкин. Бундан ташқари, ўрганилган ўсимликлар томир тизимининг ҳолати ҳам қуруқ ёғочлашган структураси билан фарқ қилган бу эса тирик микрофлоранинг аниқлаш имкониятини камайтирган. Шунга қарамасдан, ўрганилган чўл ўсимликларнинг 4,6%дан ЭЗни айнан томир тизимидан ажратиб олишга муваффақ бўлинган. Чўл ўсимликлари баргларида колонияларнинг нисбатан пастлиги баргларини қуруқ тиканларга ўзгарганлиги билан тушунтириш мумкин. Бизнинг маълумотларимиз эндофитларнинг дашт ўсимликлари барча органларида юқори даражада тўпланишини ҳамда уларнинг илдизларида ЭЗ пайдо бўлиш частотасининг юқорилигини кўрсатди. Ярим чўл ўсимликларининг тадқиқ этилган органларида ЭЗнинг деярли тенг тақсимланиши кузатилади, аммо дашт ўсимликларидан кўра нисбатан камроқ яъни мос равишда 43%, 30% ва 27%

ташкил этди (2 расм). Шуни таъкидлаш лозимки, мураккаб яшаш мухитларида ўсимликларнинг ер усти ва ер ости қисмларидаги эндофит замбуруғлар уюшмасидаги фарқлар ўз ечимини кутаётган мухим илмий масала ҳисобланади.



1-расм. Тадқиқ этилган барча ўсимликларнинг турли аъзоларида ЭЗ умумий тизимли тақсимланиши



2-расм. Дашт, чалачўл ва чўл худуди ўсимликларининг аъзоларида ЭЗ колонизация частотаси (%)

Ажратиб олинган замбуруғ изолятларининг идентификацияси анъанавий усулларда олиб борилди яъни ўрганилаётган культураларнинг макроскопик ва микроскопик белгилари олдин тавсифланган ва маълум бўлган замбуруғларнинг белгилари билан таққослаш орқали аниқланди. Эндофит микрофлоранинг таркибига 20 авлод вакиллари кириши кузатилди. 45та изолят тур таркибига идентификация қилинган. Изолятларнинг кўпчилиги яъни 20 тур *Eurotiomycetes* синфининг 2та авлодига мансублиги ҳамда *Sordariomycetes* синфида максимал турли-туманлик кузатилган 11 авлод 14 тур мансублиги аниқланди. *Dothideomycetes* синфига 3 авлод ва 8 тур мансуб, *Zygomycetes* синфига 2 авлод ва 2 тур, *Agonomycetes* синфи фақат 1 авлод ва 1 турга мансубдир. 16 изолят *Mycelia sterilia* эканлиги маълум бўлди ва уларни анъанавий усуллар билан идентификация қилишнинг имкони мавжуд эмас.

Шундай қилиб, турлар миқдори бўйича *Ascomycota* бўлими етакчи ҳисобланади ва ўз ичига *Eurotiales* тартиби (20 тур – барча турларнинг 44%), *Hypocreales* тартиби (8 тур–барча турларнинг 18%), *Pleosporales* ва *Sphaeriales* тартибларини (5та турдан–барча турларининг 11%) қамраб олади. *Trichosphaeriales* ва *Capnodiales* тартиблари, *Zygomycota* бўлиmidан *Mucorales* тартиби ва *Anamorphic* типидан *Aganomycetales* тартиблари фақат 1-2 турлардан иборатдир. *Basidiomycota* бўлими вакиллари аниқланмади.

Aspergillus, *Penicillium*, *Fusarium*, *Acremonium*, *Alternaria* авлоди вакиллариининг нисбатан кўпрок аниқланиши кузатилди. Тадқиқ қилинаётган ўсимликларда юқорида қайд этилган авлодларга мансуб 4-5 турдан аниқланди, қолган авлодлар 1-2 турдан иборат эди яъни *Sclerotium*, *Monilia*, *Myrothecium*, *Nigrospora*, *Gliomastix*, *Ulocladium*, *Cladosporium*, *Chaetomium*, *Thielavia*, *Dichotomyces*, *Microascus*, *Cunninghamella*.

Шу билан бирга ЭЗ тизимли учрашининг ўзига хослиги ҳақида қуйидаги маълумотлар мавжуд яъни фузариялар ва акремонийлар ажратиб олишнинг юқори частотаси ўсимликларнинг илдизларида, аспергиллар ва пенициллар – пояларда, альтернориялар – барглarda аниқланган.

Тўқиманинг турига боғлиқ бўлмаган равишда нисбатан кўп ажратилган тур - *Aspergillus terreus* тури ҳисобланди. Шу билан бирга, *Aspergillus* авлодининг бошқа турлари ҳам тўқиманинг турига боғлиқлиги паст бўлган яъни турли ўсимликларнинг турли қисмларида аниқланган. Айнан *Aspergillus* авлоди вакиллариининг турли-туманлиги (*A.ochraceus*, *A.versicolor*, *A.niger*, *A.flavus*, *A.ustus*, *A.repens*, *A.egypticus*, *A.ochraceus*, *A.amstelodami*, *A.terricola*, *A.roseovelutinum*, *A.spectabilis*) қайд этилган, эҳтимол мазкур зумбуруғларга янги ўсимликларни эгаллаб олишга ва уларнинг турли қисмларида тарқалишига имкон беради. Адабиётларда келтирилган маълумотларига кўра, мўътадил ва жанубий кенгликларда *Penicillium* авлоди нисбий улуши ва турли-туманлиги *Aspergillus* авлодига нисбатан анча пастдир, бу эса бизнинг тадқиқотларимизда ҳам ўз тасдиғини топган: *Aspergillus* авлодининг турли-туманлиги *Penicillium* авлодидан кўра 1,5 баробарга кўпроқдир.

К.А.Калашникованинг маълумотларига кўра, Вьетнамнинг тропик ўрмонларидан стандарт муҳитларида ажратилган споралар ҳосил қилмайдиган микромицетларнинг 22% *Pleosporales* тартибига мансуб бўлган. Бизнинг олган маълумотларимиз ҳам республикаимиз субтропик минтақада жойлашганлигига қарамасдан *Pleosporales* тартибида, *Alternaria* авлодида споралар ҳосил қилмайдиган турларнинг (13,5%) нисбатан кўплигини кўрсатди. Шу билан бирга, тропик минтақаларда *Absidia* ва *Cunninghamella* авлоди (*Mucorales* тартиби, *Zygomycetes* синфи) *Mucor* ёки *Rhizopus* авлодларига нисбатан кўпроқ учраши кўрсатилган. *Mucor* ва *Rhizopus* авлодлари шимолий кенгликларда тарқалган. Бизнинг худудимизда «шимолий» *Mucor* авлоди ҳамда «жанубий» *Cunninghamella* авлоди вакиллариини ҳам ажратиб олинган.

Учратишнинг нисбий фоизи УНФ (%) = $M/Mt \cdot 100$ ёки мазкур турнинг учратиш зичлигини характерлайдиган турларнинг кўплигини Kamalraj ва ҳаммуаллифларнинг усули бўйича аниқланган. Нисбатан кўп учрайдиган турларга *Aspergillus* (32%), *Alternaria* (17%), *Penicillium* (14%), *Acremonium* (10%) ва *Fusarium* (8%) авлоди вакиллари учун хосдир. Қайд этиш лозимки, анъанавий усуллар билан идентификация қилиб бўлмайдиган стерил мицелийга эга изолятларнинг миқдори 8% ни ташкил қилган, бу эса маҳаллий доривор ўсимликлари ЭЗ биохилма-хиллигининг катта захирасидан далолат беради (1 жадвал).

























Мавжуд тасаввурларга кўра, эндофит микрофлорани тадқиқ қилишнинг муҳим жихатларидан бири бу янги олдин номаълум бўлган ёки ноёб турларини аниқлашдан иборатдир.

Ажратиб олинган ЭЗ тур таркибининг таҳлил натижаларига кўра, аниқлашимизча илк бор умумий ўрганилган ўсимликларнинг 8 оиласига мансуб 13 тур ўсимликларида (*Lamiaceae*, *Aposynaceae*, *Ariaceae*, *Zygophyllaceae*, *Amaranthaceae*, *Papaveraceae*, *Amaryllidaceae*, *Asteraceae*) ЭЗ нинг ноёб 24 тури макон тутган (3 расм). Бу маълумотлар Ўзбекистоннинг доривор ўсимликларида ЭЗ турларини хилма-хиллигини инкор этиб бўлмайдиган янги манбаси ҳисобланади.

Ўзбекистон ўсимликлари эндофит замбуруғларининг хилма-хиллиги

Синф	Туркум	Оила	Авлод	Тур	Микдо ри	Учратиш. нисбий, %
<i>Eurotiomycetes</i>	<i>Eurotiales</i>	<i>Aspergillaceae</i>	<i>Aspergillus</i>	<i>A.ochraceus</i>	3	1,4
				<i>A.terreus</i>	22	10,6
				<i>A.niger</i>	15	7,2
				<i>A.versicolor</i>	2	1,0
				<i>A.flavus</i>	5	2,4
				<i>A.ustus</i>	1	0,5
				<i>A.amstelodami</i>	1	0,5
				<i>A.egypticus</i>	1	0,5
				<i>A.roseovelutinum</i>	1	0,5
				<i>A.repens</i>	1	0,5
				<i>A.spectabilis</i>	1	0,5
				<i>A.terricola</i>	1	0,5
				<i>Aspergillus sp.</i>	13	6,25
				<i>Penicillium</i>	<i>P.brevicom pactum</i>	1
			<i>P.lilacinum</i>		1	0,5
			<i>P. radulatum</i>		1	0,5
			<i>P. Waksmani</i>		1	0,5
			<i>P.rubrum</i>		1	0,5
			<i>P.concavoradulozum</i>		1	0,5
			<i>P. brevicaule alba</i>		1	0,5
<i>Penicillium sp.</i>	20	9,6				
<i>Eupenicillium brefeldianum</i>	1	0,5				
<i>Sordariomycetes</i>	<i>Hypocreales</i>	<i>Nectriaceae</i>	<i>Fusarium</i>	<i>F.culmorum</i>	1	0,5
				<i>F.sambucinum</i>	1	0,5
				<i>Fusarium sp.</i>	15	7,2

		<i>Hypocreaceae</i>	<i>Acremonium</i>	<i>A.roseum</i>	1	0,5
				<i>A.coremioides</i>	1	0,5
				<i>A.nigricans</i>	1	0,5
				<i>Acremonium sp.</i>	17	8,2
			<i>Gliomastix</i>	<i>G.nigricans</i>	1	0,5
			<i>Myrothecium</i>	<i>M.verrucaria</i>	2	1,0
			<i>Monilia</i>	<i>Monilia sp.</i>	1	0,5
	<i>Trichosphaeriales</i>	Не определено	<i>Nigrospora</i>	<i>N.sphaerica</i>	1	0,5
	<i>Sphaeriales</i>	<i>Chaetomiaceae</i>	<i>Chaetomium</i>	<i>Ch.olivaceum</i>	1	0,5
			<i>Thielavia</i>	<i>T.microspora</i>	1	0,5
		<i>Dematiaceae</i>	<i>Dichotomyces</i>	<i>D.cejpii</i>	1	0,5
			<i>Doratomyces</i>	<i>D.purpureofuscus</i>	2	1,0
		<i>Microascaceae</i>	<i>Microascus</i>	<i>M.trigonosporus</i>	1	0,5
<i>Dothideomycetes</i>	<i>Pleosporales</i>	<i>Pleosporaceae</i>	<i>Alternaria</i>	<i>A.chlamydospora</i>	1	0,5
				<i>A.geophila</i>	1	0,5
				<i>A.tenuis</i>	2	1,0
				<i>A.malvae</i>	1	0,5
				<i>A.alternata</i>	1	0,5
<i>Alternaria sp.</i>	28	13,5				
			<i>Ulocladium</i>	<i>U.consortiae</i>	2	1,0
	<i>Capnodiales</i>	<i>Cladosporiaceae</i>	<i>Cladosporium</i>	<i>C.cladosporoides</i>	1	0,5
				<i>C.tenussimum</i>	1	0,5
<i>Zygomycetes</i>	<i>Mucorales</i>	<i>Mucoraceae</i>	<i>Mucor</i>	<i>Mucor sp.</i>	8	3,8
		<i>Cunninghamellaceae</i>	<i>Cunninghamella</i>	<i>Cunninghamella sp.</i>	1	0,5
<i>Agonomycetes</i>	<i>Aganomycetales</i>	<i>Aganomycetaceae</i>	<i>Sclerotium</i>	<i>S.minorum</i>	2	1,0
Классик усуллар билан аниқлаб бўлмайдиган стерил мицелий билан изолятлар					16	7,7
5	8	11	20	45	208	

							
<i>Fusarium culmorum</i> MP11R	<i>Dichotomyces cejpii</i> MO45S	<i>Thielavia microspora</i> MO46L	<i>Sclerotium minorum</i> VM83R	<i>Penicillium lilacinum</i> VM86S	<i>Penicillium concavoradul ozum</i> VE89L	<i>Cladosporium tenussimum</i> AF183	<i>Aspergillus spectabilis</i> AL184
							
<i>Cladosporium cladosporoides</i> VE92L	<i>Penicillium syriacum</i> VE93R	<i>Eupenicillium brefeldianum</i> VE97R	<i>Aspergillus amstelodami</i> VR177L	<i>Acremonium coremioides-FF79S</i>	<i>Ulocladium consortiae -A87S</i>	<i>Aspergillus egypticus</i> HT166S	<i>Doratomyces purpureofuscus</i> HT182
							
<i>Microascus trigonosporus</i> PG126L	<i>Alternaria geophila</i> HP133L	<i>Monilia sp.-</i> CM160L	<i>Penicillium radulatum</i> AF105	<i>Penicillium Waksmani Zaleski</i> AF106	<i>Alternaria tenuis</i> AF180	<i>Nigrospora sphaerica</i> HT189L	<i>Myrothecium verrucaria</i> HT190R

3-расм. Ноёб эндофит замбуруғ турларининг колониялари
(штампларнинг морфологик-культурал тавсифлари диссертация ишида келтирилган)




Мавжуд тасаввурларга кўра, эндофитларнинг нисбатан мухим хоссаларидан бири бу уларнинг хўжайин-ўсимлиги метаболитларига хос бўлган бирикмаларни синтез қилиш хусусиятидир. Маълум ва янги фармацевтика препаратларининг муқобил манбаси сифатида айнан шу хусусияти доривор ўсимликларнинг эндофитларига нисбатан кучли қизиқишнинг сабабидир.

Диссертация “ЭЗнинг биологик фаоллиги” деб номланган тўртинчи бобида ЭЗ иккиламчи метаболизмининг бой табиати ҳақида далолат берувчи натижалари келтирилган. ЭЗлар ўсишининг кечки стационар фазасида яъни физиологик жихатдан иккиламчи метаболизми фаоллашганидан кейин уларнинг биомассадан иккиламчи метаболитларнинг экстрактлари ажратиб олинган ва кейинчалик бу экстрактларнинг антибактериал, цитотоксик, антикоагулянт, ингибиторлик, меланин, липид ва фитогормон синтезлаш фаолликлари бўйича скрининги ўтказилган.

Натижада 30% штаммлар антибактериал фаолликка эга иккиламчи метаболитларини ишлаб чиқариши аниқланган. Улардан 68% (42 штамм) эндофитлар фақат 1 тест-культурага нисбатан фаолликни намоён қилган, 22% (14 штамм) – 2 тест-культурага нисбатан ва фақат 10% (6та штамм: *T.microspora*-MO46L, *P.waksmani* Zaleski - AF106, *P.brevicaule alba* -CC200, *Cladosporium sp.*-206, *Mucor sp.*-PG124L, *Alternaria sp.*-PG127L) бир вақтнинг ўзида 3 тест-культурага нисбатан фаолликни намоён қилган ва бунда ўсишни ингибирлаш зонаси 28 мм дан юқори ташкил қилган. Бу ҳолат уларда кенг спектрли антибиотик мавжудлигидан далолат беради. Антибактериал фаолликка эга штаммлар 28 ўсимликнинг 19 тасида аниқланган. Бу эндофитларнинг асосий манбаи лимонник, гултожихўроз, иссирик ва ёввойи пиёз бўлди.



T.microspora-MO46L, *P.waksmani* Zaleski-AF106 ва *P.brevicaule alba*-CC200 штаммлари йиғма экстрактларининг иккиламчи метаболитларини турли эритувчиларда эритиб антибиотик фаолликка бой бўлган алоҳида фракциялар олинган. Энг юқори антибактериал фаолликка эга *T.microspora*-MO46L штамми метаболитларининг сифат тахлили терпенлар ва сапонинлар мавжудлигини аниқлади ва шу билан бирга уларнинг нисбати кўпайтириш культивация қилиш шароитларга боғлиқдир *Vinca* ва *Allium* ўсимликларидан ажратилган ЭЗларнинг 34 штамми цитотоксик фаолликлари скрининг қилинганида эътиборга молик маълумотлар олинган. ЭЗ танлаб олиниши тасодифий эмас чунки бўригул саратонга қарши винка алкалоидларни олиш учун ягона ўсимлик хом-ашёси ҳисобланади пиёзда эса аллицин ишлаб чиқарилади – кенг спектрли таъсирга эга алкалоид, жумладан, саратон қарши қўлланилиши мумкин.

ЎзРФА Ўсимлик моддалари кимёси институти ходимлари билан биргаликдаги бачадон бўйни карциномаси (HeLa), ҳиқилдоқ (HEp-2) ва сут безлари (HBL-100) рак хужайралари верификацияланган культуралари билан ўтказган тадқиқотларимизда саратонга қарши «Cisplatin» препарати билан таққосланадиган паст концентрацияларда юқори цитотоксик фаоллик ЭЗнинг 9 штаммида аниқланган (4 расм).



4-расм. NBL-100 (А), НЕР-2 (Б) ва HeLa (С) хужайраларига қарши *Vinca* ва *Allium* авлодига мансуб бўлган ўсимликларидан ажратилган ЭЗ экстрактларининг цитотоксик фаоллиги

ЮКХ ва ЮССХ усуллари билан бўригулдан ажратиб олинган ва цисплатин билан солиштирилганда нисбатан паст гепатотоксик фаоллиги 2 баробар паст бўлган 5 штамм (*P. concavoradulozum-VE89L*, *A. terreus-VE90R*, *Cladosporium sp.-VE92L*, *Alternaria sp.-VM84L* ва *A.amstelodami-VR177L*) экстрактларида, цитокристин ва цитобластин препаратларига (винкристин ва винбластинга мос бўлган), юпқа қатламдаги ҳаракатчанлиги ва чиқиш вақти бўйича хос бўлган бирикмалар мавжудлиги кўрсатилган (5 расм).



5-расм. *Vinca* авлодига мансуб бўлган ўсимликларидан ажратилган ЭЗ экстрактларининг ЮКХ ва ЮССХ профили

Дашт худуди ўсимликларидан (райҳон, ялпиз ва заъфарон) Квик усули бўйича қон плазмасида антикоагулянтлик хоссалари скриннинг қилинганида ЭЗнинг 4 штамми ажратиб олинган: *Acremonium sp.-OB2S*, *Alternaria sp.-OB6L*, *Acremonium sp.-MP13R*, *Alternaria sp.-CS53S*.

Бу штаммлар ишлаб чиқарадиган иккиламчи метаболитлар инсон конидаги протромбин шаклланиш вақтини 300 сониядан кўпроқ вақтга тормозлаш хоссасига эгадир.

Антидиабетик бирикмаларга бўлган эхтиёжнинг ошиши 19 ўсимликдан ажратиб олинган 100 ЭЗни α -амилаза қарши ингибиторлик фаоллигини скринингини ўтказишга туртки бўлди. *In vitro* шароитида ингибиторлик фаоллигининг мавжудлиги 67% штаммда аниқланган. Паст фаолликни (20-39%) штаммларнинг 31% намоён қилди, ўртача фаолликни (40-59%) - 42% ва 27% штаммлар α -амилаза фаоллигини 60%дан кўпроқ босиб турган, бу эса ингибитор – акарбозанинг таъсирига тенгдир. Ўрта ва юқори ингибиторлик фаолликка эга ЭЗнинг катта миқдори антидиабетик ва гипогликемик хоссаларига эга ўсимликларда аниқланган: *H.tuberosus*, *M.officinalis*, *A.filidens*, *A.longicuspis*, *C.cristata*, *C.majus*, *V.erecta*. Акарбоза (30мг) билан солиштирилганда IC50нинг энг паст кўрсаткичлари (20, 24 ва 25мг) *A.egypticus-HT166S*, *P.brevicaule alba-CC200* ва *A.terreus-AF104S* аниқланган.

ЎзРФА Биоорганик кимё институти билан ҳамкорликда ўтказилган аллоксан-индуцирлаган диабетга билан оғриган тажриба ҳайвонларида *P.brevicaule alba- CC200* умумий экстракти билан ўтказилган клиник олди тажрибалар кўрсатдики, экстракт 4,5мг/кг вазн концентрацияда перорал қабул қилинганидан сўнг қондаги глюкоза миқдори ва гексокиназа фаоллиги - 30%га пасаяди, гликогемоглобин даражаси 15%га, триглицеридлар—40%га, холестерин—8,5%га, ПЗЛП ва ЖПЗЛП—17%га пасаяди; шу билан бирга ЮЗЛП миқдори 30%га ошади. Умумий жихатдан, *P.brevicaule alba-CC200* экстрактининг самараси таққослаш препарати сифатида гликлазид ва акарбозаларнинг таъсирига тенгдир (мазкур маълумотлар диссертация ишининг иловасида келтирилган).

Тўқ септали эндофитларнинг (ТСЭ) катта миқдорини кўра туриб ва кучли УБ-нурланиш шароитида эндофитларнинг хўжайин-ўсимлик ўртасидаги ўзаро мунособатлардаги протекторлик ролини инобатга олиб, экстремал яшаш шароитларида ўсувчи ўсимликлардан ажратиб олинган ТСЭлар орасидан меланин синтезловчи хоссасига эга штаммларнинг скрининги ўтказилди. ТСЭ турларининг нисбатан кўпроқ хилма-хиллиги атроф муҳитнинг стресс шароитларига эга иқлим зонасининг (жанубий-ғарбий Қизилкум худуди) вакили сассиқ ковракда кузатилган (2 жадвал).

2-жадвал


ЧФда ЭЗнинг қорангли пигментни ишлаб чиқариши

Эндофит замбуруғлар	б/мни нам вазни, г/л	б/мни курук вазни, г/л	Пигмент чиқиши мг/г қ.в., %	
<i>Alternaria sp. – FF63L</i>	10±1,2	1,8±0,1	221±22	20
<i>Ulocladium sp. - FF64L</i>	10±1,1	1,1±0,1	204±23	20
<i>S. minorum - VM83R</i>	15±1,8	3,2±0,2	307±25	30
<i>Cladosporium sp. - HT206</i>	12±1,4	2,6±0,2	262±24	25

Микробли ферментацияда пигментларни ишлаб чиқишда қаттиқ фазали субстратлар сифатида арзон ва оммабоп агросаноат чиқиндиларидан фойдаланиш эътисодий жихатдан самарали ва экологик тоза жараён сифатида кўриб чиқилади.

Ҳақиқатдан ҳам ҚФФ билан ЧФ солиштирилганда ҚФФда иккита қаттиқ субстратларда барча культураларда меланин пигментларнинг тўпланиши анча ошган. Буғдой ёрмаларидан фойдалангандан кўра сули ёрмаларидан фойдаланишда пигментнинг чиқиши анча юқори бўлди. Бунда, ферментатив субстратнинг умумий оғирлигига нисбатан (398 ± 24 мг/г) катта миқдорда пигментнинг чиқиши *S.minorum-VM83R* штаммида кузатилди ва бу кўрсаткич 40% ташкил қилди (6 расм).

Тозаланмаган пигментнинг сифат таҳлили ва *S.minorum-VM83R* пигменти ишқорий эритмасининг УБ ва кўринадиган нурда (216 нм) спектрофотометрик таҳлили олинган пигментнинг меланин табиатли эканлигини тасдиқлади.



6-расм. ҚФФда ЭЗлардан қорарангли пигментнинг чиқиши

Қайд этиш лозимки, *S.minorum-VM83* моно-, ди- ва триглицеридлардан иборат катта миқдордаги липидларни ишлаб чиқариши билан фарқ қилади. Фойдаланилган эритувчилар тизимига боғлиқ ҳолда липидларнинг чиқиши, қуруқ моддага нисбатан 22,7%дан 30,4%гача бўлди. Шу билан бирга липидларни ишлаб чиқариш даражаси туб ферментациясидан кўра юза ферментациясида нисбатан юқорирок бўлди.

ИУК ва ГК фитогормонларнинг миқдори бўйича сассиқ коврак ва Шарипов лоласидан ажратиб олинган ЭЗ скриннингига кўра *Alternaria sp.-FF63L*, *A.terreus-FF65*, *F.sambucinum-FF59S* ва *Fusarium sp.-TSch72L* эндофитлари таркибида катта миқдорда ИУК (300мкг/мл) ва ГК (50мкг/мл экстракт дан кўп) фитогормонларини тутди.

3-жадвалда келтирилган ЭЗ иккиламчи метаболитларининг йиғма экстрактлари фитокимёвий таҳлил натижаларига кўра ўрганилган ЭЗнинг биологик фаоллиги сапонинлар, юрак гликозидлари, танинлар, феноллар, терпенлар, винка-алкалоидлар, фитогормонлар, меланинлар, флавоноидлар, антрахинонларни ишлаб чиқаришлари билан боғлиқдир.

Эндофитларни тижоратлаштиришда асосий тўсиқлардан бири бу умум қабул қилинган хўжайин-ўсимликдан мустақил шароитларда даврий аксеник ферментациясида эндофитлар махсулотлари чиқишининг сўниш муаммосидир. Шу сабабли, мазкур тадқиқот ишида антимиқроб ва

цитотоксик хоссаларига эга *T.microspora-MO46L*, *P.concavoradulozum-VE89L* ва *A. amstelodami – VR177L* ЭЗ штаммларнинг ўсиши ва биологик фаоллигига турли омилларнинг таъсири ўрганиб чиқилди.

Диссертация “**Турли омилларнинг ўсиш ва биологик фаолликка таъсири**” деб номланган бешинчи бобида аниқланишилича, ЧК ҳам ЮК ҳам барча штаммлар биомассасининг энг юқори тўпланиш даражаси ферментациясининг 11чи суткасида кузатилган. ЧК ва ЮК шароитларида *T.microspora-MO46L* ва *A.amstelodami–VR177L* биомассасининг ЧКда ўсиши ЮК кўра 2 баробарга юқори бўлди. Бундан ташқари, *P.concavoradulozum-VE89L* штамми ёруғликсиз ЧКсида биомассасининг тўпланиши 3 баробарга кўп ёруғлик мавжуд шароитда эса – деярли 4 баробарга кўпдир. Барча ўрганилган штаммларда энг юқори антибактериал фаоллик ҳам ўсишнинг 11 суткасида кузатилган. Шу билан бирга ЧКдан олинган *A.amstelodami–VR177L* экстрактлари ёруғлик тушиши ва тушмаслигидан фарқли ўлароқ ЮК олинган экстрактлардан кўра *S.aureus* ўсишини 2 баробарга кучлироқ чеклаб қўйган. *P.concavoradulozum-VE89L* экстрактлари мазкур тест-культура ўсишини жуда кам ингибирлагани кузатилди. Шунингдек, *T.microspora-MO46L* экстрактлари эса культивация усули ва ёруғлик тушиши ва тушмаслигидан фарқли даражада *S.aureus*га қарши ўзининг юқори антимикроблик хоссаларини сақлаган (7 расм).

A.amstelodami–VR177L ва *P.concavoradulozum-VE89L*ни ТКдан олинган экстрактларнинг ЮССХда, ҳаракатчанлиги бўйича винкрестин ва винбластинга мос бўлган бирикмалар ўстиришнинг 7 суткасида пайдо бўлган. Культивациянинг иккала типиди ҳам табиий ёруғлик винка-алкалоидларнинг синтезига ижобий таъсир кўрсатади бу эса уларнинг юқори микдоридан далолат берувчи пиклар интенсивлигининг ошганлигида намоён бўлади.

